

DOI: 10.5281/zenodo.16889977

Link: <https://zenodo.org/records/16889977>

## КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

**Қодиров Т.У.**

и.ф.н., доцент Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ўқув бўлими бошлиги

**Мелиев В.П.**

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби таянч доктаранти (PhD)

email: [melievv500@gmail.com](mailto:melievv500@gmail.com)

**Аннотация-** Дунё иқтисодиётидаги кимё саноати муҳим ўрин эгаллаб, кимё маҳсулотлари саноатнинг барча тармоқларида ишилтилиши билан аҳамиятлидир. Шу сабабли кимё саноати ишлаб чиқариишини ривожлантириши мамлакат иқтисодий барқарорлиги ва ривожланишига сезиларни таъсир кўрсатади. Рақамлаштиришининг аҳамияти кенг эътироф этилишига қарамай, кўплаб саноат корхоналари, айниқса ривожланаётган мамлакатларда, ўзларининг рақамли ваколатларидан самарали фойдаланишида жиҳдий муаммоларга дуч келишимоқда. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасидаги "Ўзкимёсаноат" АЖ корхоналарини рақамлаштиришининг жорий ҳолати ҳамда унга таъсир қилувчи омилларни тизимли таҳлили, рақамли технологияларни қўллаш орқали ишлаб чиқариш ҳажми, рентабеллиги, ҳамда соғ фойда маржасига таъсир этувчи айрим омиллар таъсири орқали ўрганилди. Ушбу кўрсаткичларни ўрганиши, таъсир этувчи омилларни эконометрик таҳлил қилиши корхоналар ва давлат учун самарали рақамли технологияларни жорий этиши стратегияларни ишлаб чиқишида муҳим аҳамиятга эга.

**Калит сўзлар:** Рақамли технологиялар, маҳсулот ишлаб чиқарии ҳажми, соғ фойда, рақамлаштириши даражаси, инвестициялар, меҳнат унумдорлиги.

## КИРИШ

Глобал рақамли иқтисодиёт ҳажми Forrester таҳлилларига кўра 2023 йилда 11.8 триллион АҚШ долларинини ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткичнинг 2028 йига бориб 16.5 триллион АҚШ долларига етиши прогноз қилинган. IDC-А ва Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2024 йилда рақамли иқтисодиётнинг жаҳон ЯИМдаги улуши 15 фоиз ёки 16 триллион АҚШ доллари атрофида бўлиб [1], бунда АҚШ ва Хитойнинг улуши биргалиқда қарийб 66–67 фоизини ташкил этган. OECD хисоботларига кўра рақамли иқтисодиёт 2023–2028 йилларда йиллик ўртача 7 фоизга ўсиб, глобал ЯИМ ўсишига нисбатан 2 баробардан кўпроқ бўлиши кутилмоқда [2]. Бу натижалар рақамли трансформацияни олға сурувчи e-commerce, ICT-инфратузилма, рақамли R&D платформалар орқали доимий ўсишда давом этишини кўрсатади. Кимё саноати каби юқори технологик устунликка эга тармоқлар учун рақамли технологияларни самарали қўллаш ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда маҳаллий ва жаҳон бозорларида рақобатбардошликка бевосита таъсир этади. PricewaterhouseCoopers компаниясининг 2023 йилги глобал рақамли операциялар тадқиқоти шуни кўрсатди, саноат корхоналарининг атиги 10 фоизи "Рақамли чемпионлар" деб

таснифланиши мумкин, қолган 90 фоизи эса синов босқичида ёки рақамли ташаббусларни самарали кенгайтириш учун курашмоқда [3]. Шу жиҳатдан Ўзбекистонда ҳам ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда рақамли трансформацияни амалга ошириш ҳамда корхоналар рақамлаштириш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳам саноат корхоналарини рақамлаштириш бўйича “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси қабул қилинган бўлиб, унинг 2.3 бандида Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарида рақамли технологияларни ривожлантириш борасида 87 та лойиха бўйича, 5,3 трл сўмлик лойихаларни амалга ошириш белгиланган [4].

## АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Кимё саноати глобал иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг ишлаб чиқариш ҳажми ва соф фойда кўрсаткичлари мамлакат иқтисодий барқарорлиги ва ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Ушбу кўрсаткичларга таъсир этувчи омилларни эконометрик таҳлил қилиш корхоналар ва давлат сиёсатчилари учун самарали стратегияларни ишлаб чиқишида муҳим аҳамиятга эга. Кўпгина хорижий ва маҳаллий тадқиқотларида кимё саноатида ишлаб чиқариш ҳажми, рентабеллиги, ҳамда корхоналарнинг соф фойда маржасига таъсир этувчи ўнлаб омиллар турли олимлар томонидан ўрганилган ва ўрганилиб келинмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, замонавий ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш кимё саноатида ишлаб чиқариш ҳажми ва самарадорлигини оширишнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Мисол учун, технологик янгиланишлар, автоматлаштирилган жараёнлар ва рақамли бошқарув тизимларини жорий этиш маҳсулот ишлаб чиқариш қувватини сезиларли даражада ошириши мумкин. Умуман олганда, саноат тизимларидағи самарадорлик ва ишлаб чиқариш амалиётлари бўйича Шевтсова, Ҳанна, Наталия Шветс ва Марйна Касаткина каби олимларнинг тадқиқотларида[5] илғор технологиялардан фойдаланишнинг саноат ишлаб чиқаришига ижобий таъсири исботланган.

Капитал инвестициялар ва молиявий қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқариш ҳажми ва соф фойдани оширишда муҳим роль ўйнайди. Умумий ишлаб чиқариш функциялари бўйича тадқиқотларда [6] капитал инвестицияларининг ишлаб чиқаришга ижобий таъсири тасдиқланган. Кимё саноати юқори капитал талаб қиласиган соҳа бўлиб, янги заводлар қуриш, мавжудларини модернизация қилиш ва тадқиқот-ишланмаларга сармоя киритиш учун сезиларли молиявий ресурслар талаб этилади.

Бугунги кунда “Индустря 4.0” ва рақамлаштириш тенденциялари кимё саноатининг иқтисодий самарадорлигини оширишда марказий ўрин эгалламоқда. Рақамли технологиялар, жумладан, сунъий интеллект (АИ), катта маълумотлар (Биг Дата), нарсалар интернети (ИоТ) ва булутли ҳисоблашлар

ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш, харажатларни камайтириш ва инновацияларни тезлаштириш имконини беради [7].

Тадқиқотлар шуны күрсатады, рақамли технологияларга инвестициялар ва рақамлаштириш даражаси корхона самарадорлигига бевосита ижобий таъсир күрсатади. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига ва соф фойданинг қўпайишига олиб келади [8].

Эконометрик моделлар ёрдамида олиб борилган эмпирик тадқиқотлар рақамли технологияларга қилинган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорликка бевосита ва билвосита таъсирини баҳолашга қаратилган. Масалан, Арал ва Синан, Эрик Брайнжолфсонлар [9] ИТ салоҳияти ва корхона рентабеллиги ўртасидаги боғлиқликни аниқлаганлар. Ленг, Жиеву ва Ченлар [10] эса ишлаб чиқариш корхоналарида панель регрессия моделларини қўллаган ҳолда, рақамлаштириш даражаси билан иқтисодий самарадорлик ўртасида ижобий боғлиқлик мавжудлигини исботлаганлар.

## МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон кимё санаоати ривожида, ўзида 36 та кимё санаоати корхоналарини бирлаштирган «Ўзкимёсаноат» АЖ асосий ўринни эаллайди. Шу сабабли ушбу компания тасарруфидаги корхоналарнинг рақамли технологияларни жорий этиш ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги олинган статистик маълумотлари диалектик ва эмперик ёндашувлар асосида, синтетик ва аналитик методларга ёндашилиб, иқтисодий ҳамда эконометрик тахлил усуслари ёрдамида ва STATA дастурини қўллаш орқали кўриб чиқилди.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Кимё санаоати корхоналарида рақамли технологияларни жорий этилиши иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига таъсир этиши мумкин бўлган қўйидаги асосий омиллар бўйича эконометрик тахлил амалга оширилди. (1-жадвал)

### 1-жадвал

#### Кимё санаоати корхоналари иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига таъсир этиши мумкин бўлган асосий омиллар рўйхати<sup>7</sup>

Ўзгарувчилар	Қисқартмаси	Номи ва ўлчов бирлиги
Боғлиқ ўзгарувчилар	Y1	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми (млрд. сўм)
	Y2	Соф фойда (млрд сўм)
Мустақил ўзгарувчилар	X1	Янги рақамли технологиялар қиймати (млрд. сўм)
	X2	Рақамли технологияларга инвестициялар
	X3	Рақамлаштириш даражаси
	X4	Интернет билан қамров даражаси

<sup>7</sup> муаллиф томонидан тузилган

Бошқа омиллар	X5	Ходимлар сони
	X6	Меҳнат унумдорлиги
	X7	Асосий фондлар қиймати (млрд. сўм)
	X8	Инвестициялар ҳажми (млрд)
	X9	Маҳсулотларнинг нарх индекси (%)

Молиявий ўзгарувчилар кўпинча чизиқли бўлмаган ўзгаришларни кўрсатади шу боисдан таҳлилни барқарорлаштириш, ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатларни чизиқли шаклага яқинлаштириш ҳамда Heteroskedastik ни камайтириш орқали регрессия натижаларини ишончлироқ чиқиши учун биз кўрсаткичларнинг натурал логарифимидан фойдаланамиз. Бу моделнинг чизиқлилигини таъминлаш ва баъзи омилларнинг эластиклигини бевосита коэффициентлар орқали тушунтириш имконини беради. Ўзарувчилар ўртасидаги боғлиқликнинг Pearson кореллация натижаларига кўра янги рақамли технологийлар (X1) қиймати, рақамли технологияларга қилинган инвестициялар (X2), рақамлаштириш даражаси (3), интернет қамров даражаси (X4), меҳнат унумдорлиги (X6), асосий фондлар қиймати (X7) каби мустақил ўзгарувчиларнинг барчаси ишлаб чиқариш ҳажми билан жуда юқори ижобий корреляцияга эга (0.96 дан 0.99 гача). Бу рақамлаштиришга оид омиллар ва асосий ишлаб чиқариш ресурслари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишида ҳал қилувчи роль ўйнашини кўрсатди.

## 2-жадвал

### Ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омиллар ўртасидаги регрессия натижалари<sup>8</sup>

LnIshlab chiq	Coef.	St.Err.	t-value	p-value	[95% Conf	Interval]	Sig
LnX1	.703	.101	6.98	.02	.027	.936	**
LnX2	.485	.136	0.63	.005	-.5	.71	***
X4	.031	.004	0.28	.040	-.016	.039	**
X5	.53	0	0.95	.085	.05	.60	
LnX7	-2.165	.795	-2.72	.0013	-2.587	1.257	***
LnX9	.006	.019	0.31	.786	-.074	.086	*
Constant	23.027	6.342	3.63	.068	-4.258	50.313	*

Mean dependent var	10.111	SD dependent var	0.322
R-squared	0.999	Number of obs	9
F-test	223.386	Prob > F	0.004
Akaike crit. (AIC)	-40.479	Bayesian crit. (BIC)	-39.099


\*\*\*  $p < .01$ , \*\*  $p < .05$ , \*  $p < .1$

Ушбу натижалар тадқиқот учун танланган модель бу ўта юқори мосликни кўрсатиб ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришларини 99.9% тушунтиради ( $R^2=0.99$ ). Мустақил ўзгарувчилар (LnX1, LnX2, X4, X5, LnX7, LnX9) ишлаб чиқариш ҳажмининг деярли барча ўзгаришларини тушунтиради. Бу

<sup>8</sup> STATA-15 дастури ёрдамида муаллиф томонидан тузилган

“Ўзкимёсаноат” АЖда рақамлаштириш ва инфратузилма омилларининг муҳимлигини тасдиқлади.

F-тест натижлар ҳам буни тасдиқлади ( $223.386$ ,  $\text{Prob} > F = 0.004$ ) яъни модель умумий жиҳатдан статистик аҳамиятли ( $p < 0.01$ ), яъни киритилган ўзгарувчилар биргалиқда ишлаб чиқариш ҳажмига сезиларли таъсир қўрсатади. Акаике (AIC: -40.479) ва Баециан (BIC: -39.099) критерйлари ҳам салбий ва кичик қийматлар модельнинг маълумотларга яхши мос келишини ва содалиги билан аниқлиги ўртасида мувозанат борлигини қўрсатади.



**1-расм. Рақамлаштириш қўрсаткичларини ишлаб чиқариш ва соғ фойда ҳажмига боғлиқлигининг scatter plot даги тасвири**

Бироқ, корреляция жадвалида баъзи мустақил ўзгарувчилар ўртасида жуда юқори корреляция масалан,  $\text{LnX1}$  ва  $\text{LnX2}$  ўртасида 0.979,  $\text{X3}$  ва  $\text{X4}$  ўртасида 0.989 мавжудлигини кўриш мумкин. Бу мультиколинеарлик муаммосининг мавжудлигини англатади.

Ушбу мультиколинеарликни бартараф этиш учун юқори VIF қийматлари бўлган ўзгарувчилардан бирини моделдан чиқариб ташлаш зарур бълади. Бу энг кенг тарқалган ва самарали усуллардан бири. Агар икки ёки ундан ортиқ ўзгарувчи жуда юқори корреляцияга эга бўлса ва назарий жиҳатдан ўхшашиб маълумотни ифодаласа, улардан фақат бирини моделда қолдириш мумкин. Бизнинг ҳолатимизда  $\text{X3}$  (Рақамлаштириш даражаси),  $\text{LnX2}$  (Рақамли технологияларга инвестициялар) ва  $\text{X4}$  (Интернет билан қамров даражаси) ўртасида жуда юқори VIF ва корреляция мавжуд. Бу учта ўзгарувчи «рақамлаштириш» ёки "технологик ривожланиш" аспектини акс эттиради. Улардан фақат бирини (масалан,  $\text{LnX2}$  ёки  $\text{X3}$  - энг юқори корреляция ёки назарий жиҳатдан муҳимроқ деб ҳисобланганини) моделда қолдириш орқали VIF қийматларини сезиларли даражада камайтирийк. Бундан ташқари меҳнат

ресурслари бўйича X5-Ходимлар сони ва X6-Меҳнат унумдорлиги иккаласидан бирни қолдириш орқали ушбу муаммони бартараф этдик.

Худди шунгдек корхона соф фойдасига таъсир этувчи омиллар ўртасидаги корелация натижалари ҳам деярли ўхшаш муносабатлар мавжудлигини кўрсатмоқда, масалан LnX1, LnX2, X3, X4, X6, LnX7 ўзгарувчилари соф фойда ҳажми билан жуда юқори ижобий корреляцияга эга (0.868 дан 0.918 гача) эга эканлигини ва бу технологик ривожланиш, самарадорлик ва капитал базаси фойдани оширишда асосий омиллар эканлигини тасдиқлади.

Ж.М.Воолдридге фикрига кўра [12], вақтли қаторлар маълумотлар моделидаги идиосинкратик хато атамасидаги кетма-кет корреляцияни аниқлаш ва ҳисобга олмаслик нотўғри стандарт хатоларга ва самарасиз параметр баҳоларига олиб келади. Шу боисдан ҳам ушбу тадқиқотда Автокорреляция маълум бир вақт оралиғида ўтмишдаги қийматларни келажақдаги қийматлар билан таққослайдиган вақт церийасидаги корреляция сифатида аниқланниши мумкин. Ушбу тадқиқотда Дурбин Ватсон тести регрессия таҳлилида қолдиқдаги автокорреляцияни аниқлаш учун ишлатилди. Ушбу тестнинг ноль гипотезаси шундан иборатки, маълумотлар кетма-кет корреляцияга эга эмас. Агар панель маълумотларида кетма-кет корреляция аниқланса, у ҳолда Умулашган кичик квадратлар усулида аниқланган [Feasible Generalized Least Squares (FGLS)] баҳоси қабул қилинади.

Стационарликни текшириш учун кенгайтирилган Дискей-Филлер тестидан фойдаланилди. Вақт оралиғидаги маълумотларда ўртача, дисперсия маълум бир давр ичида доимий бўлмаса ва икки вақт оралиғидаги ковариация қиймати ковариация ҳисобланган ҳақиқий вақт ичида эмас, балки вақт даврлари орасидаги кечикишга боғлиқ бўлса, стационар бўлмаган ҳисобланди.

Кимё саноати маҳсулотларининг нархлар индекси билан соф фойда ўртасида кучли салбий корреляция (-0.578) мавжудлиги аниқланди, бунда нарх индексининг ошиши соф фойдани пасайтириши мумкинлигинин яна бир бор тасдиқланди.

Энди топилган маълумотлар асосида регрессия тенгламасини туздик.

$$\begin{aligned} LnIsh_{chiq} = & 23.027 + 0.703LnX1 + 0.485LnX2 + 0.031X4 + \\ & 053X5 - 2.165LnX7 \end{aligned} \quad (1)$$

Аниқланган регрессия тенгламалари асосида корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичларининг 2025-2030 йилларга мўлжалланган прогноз қийматларини ишлаб чиқамиз.

Ушбу таҳлилда ARIMA моделидан фойдаланилди. Унинг асосий афзалликларидан бири шундаки, у вақт қатори таркибидаги автокорреляция, тенденция ва тасодифий силжишларни ҳисобга олади. Мазкур таҳлилда Ўзбекистон Республикасида 2016–2024 йиллар оралиғида кимё саноати корхоналаридаги ишлаб чиқариш ҳажми ва соф фойда кўрсаткичлари асосида ARIMA моделидан фойдаланиб, 2025–2030 йиллар учун прогноз қийматлари аниқланади. Модель қурилишидан олдин вақт қаторлари стационарлик ҳолатига келтирилди, шундан сўнг оптимал параметрлар (AIC ва BIC мезонлари ёрдамида

танланган) қўлланилди. Модель қурилгач STATA дастурида келгуси даврлар учун прогнозлар шакллантирилди.


### 3-жадвал

#### Ишлаб чиқариш ҳажми прогнози бўйича аниқланган тренд тенгламалари<sup>9</sup>

$Y = 3778,4x + 17567$	$R^2 = 0,9993$	Чизиқли тенглама
$Y = 26208e^{0,074x}$	$R^2 = 0,9979$	Экспоненциал тенглама
$Y = 32597\ln(x) - 19207$	$R^2 = 0,9852$	Логарифимик тенглама
$Y = 42,603x^2 + 3011,5x + 20848$	$R^2 = 0,9997$	Кўп ҳадли тенглама
$Y = 12644x^{0,6424}$	$R^2 = 0,996$	Дараражали тенглама

Олинган натижалар “Ўзқимёсаноат” АЖнинг рақамлаштириш сиёсати модель натижалари билан мос келди, лекин инвестицияларни самарали тақсимлаш ва фондларни янгилаш зарур.

Аниқланган тренд тенгламаридан ишончлийлиги юқори бўлгани қўп ҳадли тенглама бўлди ва бу тенглама асосдида учта сенарий бўйича 2025-2030 йилларга “Ўзқимёсаноат” АЖ маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари прогнозини ҳисоблаб чиқдик.



**2-расм. Ишлаб чиқариш ҳажмининг 2025-2030 йиллари учун прогноз қийматлари**

Кимё саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 2019–2030 йиллар оралиғидаги динамикасини акс эттирувчи ушбу графикда, реал статистик маълумотлар, асосий прогноз кўрсаткичлари, шунингдек, оптимистик ва

<sup>9</sup> STATA-15 дастури ёрдамида муаллиф томонидан тузилган

пессимистик сценарийлар асосида шакллантирилган башоратлар ўзаро таққосланган ҳолда берилганд. Графикнинг асосий устунлари 2019–2024 йиллар давомида мавжуд статистик маълумотларга таянган ҳолда шакллантирилган бўлиб, бу давр мобайнида ишлаб чиқариш ҳажмининг муттасил ўсиб борганлиги кузатилади: агар 2019 йилда маҳсулот ҳажми 20 500 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 40 621 млрд сўмга етган. 2025 йилдан бошлаб, реал статистик маълумотлар ўрнини прогноз кўрсаткичлари эгаллади ва улар учта ссенарий – яъни базавий (асосий), оптимилик ва пессимистик йўналишларда келтирилган. Базавий прогноз сенарийида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2025 йилда 43 760 млрд сўмни ташкил этиши кутилаётган бўлса, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 63 036 млрд сўмга етиши режалаштирилган. Бироқ бу кўрсаткичлар иқтисодий ва технологик омилларга қараб ўзгариши мумкинлиги сабабли, графикда пессимистик ва оптимилик сенарийлар ҳам киритилган. Жумладан, салбий омиллар қучайган ҳолатда (пессимистик сенарий) ишлаб чиқариш ҳажми 2030 йилга бориб 57 949 млрд сўмни ташкил қилиши мумкинлиги тахмин қилинади, оптимилик шароитларда эса бу кўрсаткич 68 122 млрд сўмга етиши эҳтимолдан холи емас.

Графикда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми прогнози учун квадратик регрессия тенгламаси:

$$Y=42,603x^2+3011,5x+20848 \quad (2)$$

кўринишида ифодаланган бўлиб, моделнинг детерминация коэффициенти  $R^2=0,9997$  га тенглиги, танланган модель жуда юқори аниқлик билан ишлаб чиқариш ҳажмидаги ўзгаришларни тушунтириб бера олишини кўрсатади. Бу эса регрессия модели асосида қилинган прогнозларнинг ишончлилиги юқорилигидан далолат беради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу таҳлил маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг келажақдаги истиқболларини баҳолашда нафақат статистик ўзгаришларни, балки рақамлаштириш даражаси, инвестициявий оқимлар ва малакали кадрлар сонидаги ўзгаришлар каби кўплаб макроиқтисодий омилларни ҳам инобатга олиш зарурлигини англаради. Айниқса, оптимилик сенарийнинг амалга ошиши учун технологик модернизация, рақамли трансформация ва инсон капиталини ривожлантириш бўйича тизимли чоралар зарур ҳисобланади.

Худди шунингдек Соф фойда ҳажми учун ҳам прогноз қийматларни уч хил сенарийда ҳисоблаб чиқамиз.


#### 4-жадвал

#### Соф фойда ҳажми прогнози бўйича аниқланган тренд тенгламалари<sup>10</sup>

$Y = 41,552x - 113,16$	$R^2 = 0,9646$	Chiziqli tenglama
$Y = 93,699e^{0,1156x}$	$R^2 = 0,907$	Eksponensial tenglama
$Y = 493,23\ln(x) - 833,13$	$R^2 = 0,9911$	Logarifimik tenglama
$Y = -3,426x^2 + 123,78x - 592,8$	$R^2 = 0,9843$	Ko‘p hadli tenglama
$Y = 12,267x^{1,3843}$	$R^2 = 0,9392$	Darajali tenglama

<sup>10</sup> STATA-15 дастури ёрдамида муаллиф томонидан тузилган

Соф фойда ҳажмини башоратлашда қўлланилган регрессия моделлари ичида бир нечта математик тенгламалар синовдан ўтказилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг детерминация коэффициенти  $R^2$  орқали прогноз аниқлиги нуқтаи назаридан баҳоланганди. Чизқили моделда соф фойда ҳажми билан вақт ўртасида барқарор ва тўғри чизиқли боғлиқлик мавжудлигини қўрсатади. Бу модель юқори даражадаги аниқликни намоён этсада, вақт ўтиши билан фойда ўсишининг тезлашишини етарлича ҳисобга олмайди. Логарифмик модель прогнозлар орасида энг юқори аниқликка эга бўлиб, вақт ўтиши билан фойда ўсишининг секинлашишини модель қиласди. Бу модель узоқ муддатли прогнозлар учун айниқса фойдали бўлиши мумкин.



**З-расм. Соф фойда ҳажмининг 2025-2030 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари**

Юқоридаги графикли жадвалда 2016-2030 йиллар оралиғида кимё саноати корхоналарининг соф фойда ҳажми (млрд. сўмда) реал қўрсаткичлари, турли прогноз сценарийлари (оптимилик, пессимилик, тренд асосидаги), ҳамда даражали тенглама асосидаги башорат натижалари таққослаб берилган бўлиб, бу қўрсаткичлар асосида иқтисодий таҳлил олиб борилган.

Жадвалга кўра, дастлабки йилларда - хусусан, 2016-2020 йиллар оралиғида соф фойда аста-секин ортиб, 3,72 млрд. сўмдан 53,36 млрд. сўмгача етган. 2021 йилда эса ушбу қўрсаткич кескин сакраб, 433,93 млрд. сўмни ташкил этган, бу эса эҳтимолки йирик инвестициялар ёки ички бозор эҳтиёжларининг кучайиши ҳисобига юзага келган. Бирор 2022 йилда фойда ҳажми кескин пасайиб, 129,20 млрд. сўмга тушган, бу ҳолат саноатдаги бекарорлик ёки ташқи-иқтисодий

таъсиrlар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

2023 йилдан бошлаб эса башорат қийматлари келтирилган бўлиб, 2024 йил учун барча сценарийларда пессимиcтик, оптимиcтик ва асосий прогноз соф фойда ҳажми бир хил - 229,97 млрд. сўм деб белгиланган. Бу эса асосий йўналиш нуқтаси базавий йил сифатида қабул қилинганини кўrsатади. Кейинги йилларда сценарийлар фарқлана бошлайди: оптимиcтик прогноз бўйича фойда ҳажми 2025 йилда 534,8 млрд. сўмга, 2030 йилда эса 711,7 млрд. сўмга етиши кутилмоқда; бу эса ўсишнинг тезлашиши ва рақамлаштириш жараёнларининг юқори даражада самарали амалга ошиши мумкин.

Асосий прогноз тенденциясига кўра, соф фойда 2025 йилда 322,9 млрд. сўмга етиб, босқичма-босқич кўтарилиб боради ва 2030 йилга келиб 499,8 млрд. сўмни ташкил этади. Бу сценарий секин, аммо барқарор ўсишни англатади ва энг эҳтимолий йўналиш сифатида қабул қилинади. Бошқа томондан, пессимиcтик сценарий бўйича фойда ҳажми 2025 йилда 111,1 млрд. сўм бўлиб, 2030 йилга келиб атиги 288,0 млрд. сўмга етиши кутилмоқда; бу эса иқтисодий муаммолар, бозор чекловлари ёки технологик модернизациянинг секин амалга ошиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

## ХУЛОСА

Моделда иқтисодий кўrsаткичлар учун логарифмик ўзгарувчилар ишлатилган, шунинг учун уларнинг коэффицентлари эластиклик сифатида талқин қилинади. Янги рақамли технологиилар қийматининг логарифланган кўrsаткичи 0.703 коэффицентли боғлиқликни кўrsатиб статистик жиҳатдан жуда аҳамиятли ҳисобланади ( $p=0.02<0.05$ ). Яъни янги рақамли технологиилар қиймати 1% ошса, ишлаб чиқариш ҳажми ўртacha 0.703% га ошади. Бу рақамлаштиришнинг ишлаб чиқариш ҳажмига кучли ижобий таъсирини кўrsатади. Ўзбекистоннинг "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегияси доирасида кимёвий саноатда автоматлаштирилган тизимлар масалан, IoT, AI асосидаги мониторинг тизимлари жорий қилинмоқда. "Ўзкимёсаноат" АЖ корхоналарида янги рақамли технологииларнинг кенг жорий этилиши ишлаб чиқариш ҳажми ва иқтисодий самарадорлиги ошишига олиб келади. Бу Ўзбекистон кимё саноатининг рақобатбардошлигини оширишда рақамлаштиришнинг асосий харакатлантирувчи куч эканлигини тасдиқлади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- [1] Global Digital Economy Report – 2025, <https://www.idc-a.org>
- [2] Growth of digital economy outperforms overall growth across OECD, <https://www.oecd.org>
- [3] PricewaterhouseCoopers (PwC) (2022). "Global Digital Operations Study: Digital Champions 2025."
- [4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли «РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида фармони
- [5] Шевтсова, Ҳанна, Наталия Шветс, анд Марйна Касаткина. "Хов леадинг

глобал чөмисал компаниес сонтрибуте то индустрий 4.0." 2020 61см  
*Интернатионал Ссиентифис Конференсе он Информатион Технологий анд  
Манагемент Ссиенсе оф Рига Технисал Университет (ИТМС). ИЕЭЕ, 2020.*

[6] Шинкевич, А. И. (2020). Моделинг тхе эффисиенсий оф усинг дигитал течнологиес оф энергий анд ресоурсе савинг течнологиес ат петрочемисал энтерприсес. *Интернатионал Жоурнал оф Энергий Эсономисс анд Полисий*, 10(5), 1-6.

[7] Khin Ho, "Digital transformation of Business Models in the bank sector: a multiple case study", Johannes Kepler University Linz, October 2020 у

[8] G. Tomas M. Hult Disruptive marketing strategy June 2017 [Academy of Marketing Science Review](#) 7(October) DOI:[10.1007/s13162-017-0097-4](https://doi.org/10.1007/s13162-017-0097-4)

[9] Арал, Синан, Эрик Брайнжолфссон, анд Лайнн Ву. "Тхреэвай комплементаритиес: Перформанс пай, хуман ресоурсе аналитисс, анд информатион течнологий." *Манагемент Ссиенсе* 58.5 (2012): 913-931.

[10] Ленг, Жиеву, эт ал. "Дигитал тванс-басед смарт мануфастуринг систем десигн ин Индустрій 4.0: А ревиев." *Жоурнал оф мануфастуринг системс* 60 (2021): 119-137.

[11] "Ўзстаг" агентлиги статистик бюлттенлари 2016-2023 йиллари

[12] Воолдридже, Ж. М. (2010). *Эсонометрис анализис оф сросс сестион анд панель дата*. МИТ пресс